

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

АХМАДЖАНОВ САРДАРБЕК АХМАДЖАНОВИЧ

**ЭЛАСТОМЕРЛАР АСОСИДА МАХАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАРНИ
ҚЎШИБ КЎП ФУНКЦИОНАЛЛИ ОРГАНОМИНЕРАЛ
КОМПОЗИЦИЯЛАР ВА БУЮМЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.13 - Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ахмаджанов Сардарбек Ахмаджанович

Эластомерлар асосида махаллий хомашёларни қўшиб кўп функционалли
органоминерал композициялар ва буюмлар олиш технологиясини ишлаб
чиқиш3

Ахмаджанов Сардарбек Ахмаджанович

Разработка технологий получения многофункциональных органомине-
ральных композиций и изделий на основе эластомеров с применением
местных сырьевых ресурсов21

Ahmadganov Sardarbek Ahmadganovisn

Development of the technology of obtaining multifunctional organomineral
compositions and products with the addition of local raw materials based on
elastomers.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List published works.....43

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

АХМАДЖАНОВ САРДАРБЕК АХМАДЖАНОВИЧ

**ЭЛАСТОМЕРЛАР АСОСИДА МАХАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАРНИ
ҚЎШИБ КЎП ФУНКЦИОНАЛЛИ ОРГАНОМИНЕРАЛ
КОМПОЗИЦИЯЛАР ВА БУЮМЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси
02.00.13 - Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Т3440 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (ik.kimyo.nuu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Туробжонов Садриддин Мухамадинович
ЎзР ФА академиги, техника фанлари доктори,
профессор

Искендеров Аҳмед Максетбаевич
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Рейимов Аҳмед Мамбеткаримович
ЎзР ФА академиги, техника фанлари доктори,
профессор

Адилов Равшан Иркинович
техника фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашининг «___» _____ 2024 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилган.
(2024 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

Г.Р.Раҳмонбердиев

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Х.Э.Қодиров

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раислик қилувчи, к.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда ер усти-ости, ҳаво ва сув транспортсозликда, кимё ва озиқовқот саноатида, қишлоқ хўжалигида эластомерлар асосидаги органоминарал композицион материаллар ва буюмларни қўлланилиши кенгаймоқда, уларнинг структурасини берилган талабларга биноан шакиллантириш учун ҳар-хил ингредиентлар қўлланилади. Шу билан бирга эластомерлар асосидаги органоминарал композицион материаллар ва буюмларни технологик хоссаларини яхшиловчи, физик-механик, динамик ва махсус хоссаларини олдиндан берилган талаблар асосида структурасини шакллантирувчи органик ва ноорганик ингредиентларни яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда эластомерлар асосидаги органоминарал композицион материалларни олдиндан берилган талаблар асосида структурасини шакиллантириш учун органик ва ноорганик ингредиентлар ва уларни модификациялаш технологияларини яратиш, физик-кимёвий хоссалари ва структурасини, композициядаги миқдоринини аниқлаш ва уларни қўшиб транспортсозликда, кимё ва озиқовқот саноатида, қишлоқ хўжалигида ишлатилувчи резинатехника буюмлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш борасида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда ер усти ва ости, ҳаво ва сув машинасозликда, кимё ва озиқовқот саноатида, қишлоқ хўжалик техникаларида ишлатилувчи эластомерлар асосидаги органоминарал композицион материаллар ва буюмларни ишлаб чиқиш учун маҳаллий хомашёлар асосида органик ва ноорганик ингредиентлар яратиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича тараққиёт стратегиясида «...саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш...»¹ вазифаси белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хомашёлар асосида органик ва ноорганик ингредиентлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш, уларни қўшиб эластомерлар асосидаги органоминарал композицион материаллар ва буюмларни олдиндан берилган талаблар асосида структурасини шакиллантириш ва олиш технологияларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60- сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 11 февралдаги ПФ-2298-сон «Буюм ва материалларни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 6

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60- сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида».

апрелдаги ПФ-4891-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги фармонлари ва 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2916-сон «2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII.«Кимёвий технологиялар ва нанотехно-логия» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эластомерлар асосида маҳаллий хомашёларни кўшиб кўп функционалли органоминерал композициялар ва буюмлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича Г.С.Кац, Дж.Краус, А.А.Донцов, Б.А.Догадкин, А.А.Берлин, Ф.Ф.Кошелев, А.Е.Корнев, А.М.Буканов, М.Л.Уральский, Б.Е.Гуль, Ю.С.Липатов, А.А.Ениколопов, А.М.Смирнова, Ю.С.Зуев, В.М. Гончаров, П.В.Ракова, Л.Б.Коварская, А.Г.Шварц, Г.А.Сорокин, Н.Д.Захаров, Г.А.Блох, Д.Н.Мак-Келви, А.Д.Помогайло, С.С.Негматов, М.А.Аскарлов, А.Х.Юсупбеков, С.М.Туробжонов, Т.А.Атакузиев, Б.М.Беглов, Ш.С.Номозов, Б.С.Зокиров, А.Т. Дадаходжаев, А.У.Эркаев, А.М.Рейимов, М.Х.Арипова, З.А.Бабахонова, Х.Ч. Мирзакулов, Б.Х.Кучаров, А.М.Эминов, А.М.Искендеров, А.С.Ибадуллаев, Х.И.Кодиров, А.В.Умаров, Б.Н.Хамидов, Э.У.Тешабаева, У.А.Зиямухамедова, М.Г.Алимухамедов, Р.И. Одилов, М.Д.Вапаев ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан эластомерлар асосида кўп функционалли органоминерал композициялар ва буюмлар олиш учун вулконловчи, юмшатувчи, фаолловчи, химояловчи, тўлдирувчи ингредиентлар, уларнинг модификация қилинган ҳолати ва уларни қўллаб ҳар хил шароитларда ишлатилувчи резинатехника буюмларини структурасини ҳосил бўлиш механизмлари ва улар асосида талаб этилган технологик, физик-механик, техник, эксплуатацион, махсус хоссаларга эга бўлган армирланган ва армирланмаган, қолипланган ва қолипланмаган буюмлар олиш композициялар таркиби ва технологиялари яратилган.

Шу билан бирга эластомерлар асосида кўп функционалли органоминерал композициялар яратиш учун ноорганик ингредиентларнинг янги модификацияланган наноструктурали авлодини яратиш, олиш технологияларини ишлаб чиқиш, улар асосида ер усти-ости, ҳаво ва сув транспортсозликида, кимё ва озиковқот саноатида, қишлоқ хўжалик техникаларида ишлатилувчи эластомерлар асосидаги органоминерал композицион материаллар таркиби ва махсус хоссага эга бўлган армирланган

ва армиранмаган, қолипланган ва қолипланмаган буюмлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислоом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва Тошкент кимё-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг А-12-41 «Энергия ва ресурсни тежашни таъминловчи маҳаллий ва иккиламчи хомашё ресурслари асосида иссиқликка ва коррозияга чидамли бўлган композицион материал-лар олиш таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2014 йй.), А-12-37 «Композицион эластомер материаллардан иккиламчи материаллар ва махсус хусусиятга эга бўлган резина-техник махсулотлар ҳамда улар асосида кабел олиш таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) ҳамда ПЗ-201709286 «Маҳаллий хомашёлар асосида эластомерларни вулканловчи тезлаштиргичларни ва улар асосида эластомер композицияларини олиш технологияларини яратиш» (2018-2020 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида эластомерлар учун кўп функционалли ингредиентлар яратиш ва уларни қўллаб ҳар хил шароитларда ишлатилувчи берилган талаблар асосида органоминарал композициялар ва буюмлар олиш таркиби ва технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида эластомерлар учун кўп функционалли органик ва ноорганик ингредиентлар танлаш ва уларни кимёвий, физик-кимёвий, адсорбцион хоссалари ва структурасини тадқиқ қилиш;

маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида эластомерлар учун танланилган кўп функционалли органик ва ноорганик ингредиентларни бойитиш ва модификациялаш технологияларини ишлаб чиқиш;

яратилган кўп функционалли модификацияланган ноорганик ингредиентларни қўллаб эластомерлар асосида органоминарал композициялар таркибини тузиш;

органоминарал композициялар структурасига, вулканланиш кинетикасига, пласто-эластик, реологик ва технологик хоссаларига тавсия этилган кўп функционалли модификацияланган ноорганик ингредиентларни таъсирини ва миқдорини аниқлаш;

кўп функционалли модификацияланган ноорганик ингредиентларни органоминарал композициялар гистерезис, физик-механик, динамик, махсус ва эксплуатацион хоссаларига таъсирини ва миқдорини аниқлаш;

яратилган кўп функционалли модификацияланган ноорганик ингредиентларни қўллаб махсус хоссаларга эга бўлган эластомерлар асосида органоминарал композициялар ва армиранган ва армиранмаган, қолипланган ва қолипланмаган буюмлар олиш таркиби ва технологияларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий ва иккиламчи хомашёлардан танланилган кўп функционалли ноорганик ингредиентлар ва эластомерлар асосида яратилган органоминерал композициялар олинган.

Тадқиқотнинг предмети танланилган кўп функционалли ноорганик ингредиентлар қўшиб яратилган эластомерлар асосидаги органоминерал композициялардан олинган армирланган ва армирланмаган, қолипланган ва қолипланмаган резинатехника буюмлари ва уларни олиш технологиялари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида физик-кимёвий, эластомерлар асосидаги органоминерал композициялар учун стандартлаштирилган физик-механик, кинематик, динамик ва экспериментларни режалаштириш ҳамда математик статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёлар асосида танланилган органик ва ноорганик ингредиентларнинг кимёвий, физик-кимёвий, адсорбцион хоссалари, структураси ва уларни бойитиш ва модификациялаш жараёнида ўзгариши асосланган;

маҳаллий хомашёлар асосида танланилган органик ва ноорганик ингредиентларнинг бойитиш ва модификациялаш технологик жараёни ишлаб чиқилган;

яратилган кўп функционалли ингредиентларни қўшиб ва миқдорини ўзгартириб эластомерлар асосида ҳар хил структурага эга бўлган органоминерал композициялар таркиби ва ишлатилиш соҳалари ишлаб чиқилган;

яратилган кўп функционалли ноорганик ингредиентларнинг ҳар хил структурали эластомерлар асосидаги органоминерал композицияларни вулканизация кинетикаси механизмига ва ҳосил бўлувчи вулканизация тўрлари структураси ва миқдорига таъсири асосланган;

эластомерлар асосидаги органоминерал композицияларнинг пластоэластик, реологик ва технологик, гистерезис, физик-механик, динамик, махсус ва эксплуатацион хоссаларига яратилган кўп функционалли ноорганик ингредиентларнинг миқдори, физик-кимёвий хоссалари ва структурасининг таъсири аниқланган;

яратилган кўп функционалли ноорганик ингредиентларнинг қўшиб ҳар-хил шароитларда ишлатилувчи, берилган структурага эга бўлган, армирланган ва армирланмаган, қолипланган ва қолипланмаган эластомерлар асосидаги органоминерал композициялар ва буюмлар олиш таркиби ва технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёлар асосида танланилган кўп функционалли ноорганик ингредиентларнинг стандартлари, бойитиш ва модификациялаш технологик жараёни техник шартлари ишлаб чиқилган;

яратилган ингредиентларни кўшиб ва миқдорини ўзгартириб эластомерлар асосида ҳар хил структурага эга бўлган армирланган ва армирланмаган, қолипланган ва қолипланмаган рақобатбардош органоминерал композициялар ва буюмлар олиш таркиби, ишлатилиш сохалари ва техник шартлар ишлаб чиқилган;

яратилган эластомерлар асосидаги органоминерал композициялардан ҳар-хил шароитларда ишлатилувчи, берилган структурага эга бўлган, армирланган ва армирланмаган, қолипланган ва қолипланмаган буюмлар олиш технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация тадқиқотида кимёвий, физик-кимёвий, технологик, физик-механик, техник ва стенд усуллари қўлланилганлиги, лаборатория ва йириклаштирилган тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланганлиги, ҳамда яратилган модификацияланган ингредиентларни қўллаб эластомерлар асосида ҳар хил структурага эга бўлган армирланган ва армирланмаган, қолипланган ва қолипланмаган рақобатбардош органоминерал композициялар ва буюмлар ишлаб чиқариш стандартлаштирилган таркиблари ва технологиялари яратилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўп функционалли модификацияланган ингредиентларнинг кўшиб ҳар-хил шароитларда ишлатилувчи, берилган структурага эга бўлган, армирланган ва армирланмаган, қолипланган ва қолипланмаган, рақобатбардош эластомерлар асосидаги органоминерал композициялар ва буюмлар олиш таркиби ва технологияларини илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий ва иккиламчи органик, ноорганик ва модификацияланган кўп функционалли ингредиентларнинг кўшиб умумий ва махсус шароитларда ишлатилувчи, юқори мустаҳкамликга эга бўлган, армирланган ва армирланмаган, қолипланган ва қолипланмаган, рақобатбардош резинатехника буюмлари ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Эластомерлар асосида маҳаллий хомашёларни кўшиб кўп функционалли органоминерал композициялар ва буюмлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий минерал хомашёларни бойитиш ва модификациялаш технологик жараёни минерал хомашёларни тозалаш цехида амалиётга жорий этилган («BIRINCHI REZINOTEХNIKA ZAVODI» МЧЖ ХКнинг 2023 йил 30 мартдаги 07-425-сон маълумотномаси). Натижада эластомерлар асосидаги композицион кўп функционалли органоминерал материаллар учун маҳаллий хомашёлардан модификацияланган ноорганик тўлдиргичлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш имконини берган;

яратилган модификацияланган минерал тўлдиргичларни қўллаб эластомерлар асосида кўп функционалли органоминерал композициялар олиш

таркиби ва технологияси «BIRINCHI REZINOTEХNIKA ZAVODI» МЧЖ ХКда амалиётга жорий этилган («BIRINCHI REZINOTEХNIKA ZAVODI» МЧЖ ХКнинг 2023 йил 30 мартдаги 07-425-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий модификацияланган минерал хомашёлар асосида органоминерал эластомер композициялар ишлаб чиқариш имконини берган;

яратилган кўп функционалли органоминерал эластомер композициялар асосида қолипланувчи ва қолипланмайдиган, армирланган ва армирланмаган резина-техника-текстил буюмлари олиш технологиялари «BIRINCHI REZINOTEХNIKA ZAVODI» МЧЖ ХКда амалиётга жорий этилган («BIRINCHI REZINOTEХNIKA ZAVODI» МЧЖ ХКнинг 2023 йил 30 мартдаги 07-425-сон маълумотномаси). Натижада қолипланувчи ва қолипланмайдиган, армирланган ва армирланмаган резина-техника-текстил буюмлари ишлаб чиқаришда ишлатилувчи минерал тўлдиргичларни маҳаллийлаштириш ва тан нархини 33% камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 18 халқаро ва 11 республика илмий-техник анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 46 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия қилинган илмий нашрларда, 17 та мақола, шундан 8 та республика, 8 та чет эл (2 та scopus) журналларида нашр қилинган ва 1 та монография чоп этилган. Халқаро ва Республика илмий-амалий анжуманларда 29 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Эластомерлар асосидаги органоминерал композиция-лар: хомашёлари, хоссалари, структураси ва қўлланилиши**» деб номланган биринчи бобида ҳозирда мавжуд бўлган эластомер композициялари учун органик ва ноорганик ингредиентлар, уларни олиш, тозалаш ва модификациялаш технологиялари, физик-кимёвий хоссалари, структураси ва улар асосида композицион органоминерал материаллар, армирланган ва армирланмаган буюмларни хоссалари, олиш таркиби ва

технологик жараёнининг ҳолати ва ривожланиши тенденциялари ва уларга қўйилган талаблар таҳлил қилинган.

Адабиётларнинг критик таҳлили ҳамда ингредиентлар ва композицион органоминарал материаллар модификацияси жараёнининг замонавий ҳолатини ўрганиб чиқиш асосида, ҳозирда нано структурага эга бўлган ва унга яқинлаштирилган композиция яратишда энг истиқболли йўналиш, маҳаллий хомашёлар асосида кўп функцияли ингредиентлар излаш ва яратиш, уларни қўллаб эластомерлар асосида композицион материаллар ва берилган талаблардаги хусусиятларга, структурага эга бўлган буюмлар олиш таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш эканлиги аниқланилган ва диссертация ишининг режаси тузилган.

Диссертациянинг **«Эластомерлар асосидаги композицион органоминарал материалларни ўрганиш усуллари ва объектларнинг физик-кимёвий хоссалари»** деб номланган иккинчи бобида органоминарал композицион материалларни тайёрлаш учун танланилган эластомерлар ва ингредиентларнинг физик-кимёвий, структуравий хоссалари. Ингредиентлар ва улар асосида олинган композициянинг кимёвий, физик-кимёвий, технологик, реологик, структуравий, физик-механик, динамик, махсус ва эксплуатацион хоссаларини ўрганиш усуллари ва асбоблари, моделлаштириш тўғрисида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Эластомерлар учун органик ва ноорганик хомашёлар физик-кимёвий хоссалари ва структурасини ўрганиш, уларни тозалаш ва модификациялаш технологияларини ишлаб чиқиш»** деб номланган учинчи бобида маҳаллий хомашёлар Қорақалпоғистон монтмориллонити (ҚМ) Ангрен каолини (АК), Қўйтош волластонити (КВ) ва «Uz-Kor Gas Chemical» қўшма полимерлар ишлаб чиқариш корхонаси чиқиндиси тар-продукт газопиролиз смоласини куб қолдиқини (КГПС) физик-кимёвий хоссалари, структураси, уларни тозалаш ва модификациялаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар ҳақида маълумот берилган.

Адабиётлар ва охириги йилларда олиб борилган илмий ишланмаларни ўрганиш натижасида бу танланилган хомашёларни эластомерларда қўлланилиш бўйича олимлар томонидан тавсиялар берилган, аммо шу кунгача илмий амалий натижалар етишмаганлиги учун ишлаб чиқаришда қўлланилишгача бормаган. Чунки ўрганишлар шуни кўрсатдики Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган минерал хомашёларнинг таркибида метал оксидларининг миқдори, уларга қўйилган талаблардан кўплигидир. Бу метал оксидлари магнитланмайдиган ҳолатдалиги аниқланган, шунинг учун ҳам минерал хомашёларни тозаловчи ҳозирда ишлатилаётган технологик жараёнларни қўллашни иложи йўқ. Бошқа усуллар билан магнитланмайдиган метал оксидларидан тозалаш учун ҳаракатлар қилинган, аммо амалий натижалар олинмаган. Танланилган минерал хомашёлар ҚМ, АК ва КВ лардан метал оксидларни ажратиб олиш технологияси тавсия этилган. Аммо ажратиб олинган минерал хомашёларни эластомерлар асосидаги органоминарал

композицияларда ишлатиш қийинчиликларга олиб келмоқда, улар захирада сақланиш вақтида хаводан адсорбцион хоссасилари катта бўлганлиги учун намликни ютиш хусусиятига эга, натижада ГОСТ талабларига жавоб бермаяпти, уларни қўллаб олган резинатехника буюмларини хоссалар талабларга жавоб бермайди ёки нуксонли буюмлар олинishiга сабаб бўлмоқда, шу билан бирга уларни қўшимча қуритиш жараёнларини ўтказишга ортиқча харажатлар сарфланиб тан нархини ошиб кетишига олиб келмоқда.

Шунинг учун ҳам биз танланилган маҳаллий хомашёлар ҚМ, АК ва КВ ларни нам тортишини олдини олиш учун «Uz-Kor Gas Chemical» қўшма корхонаси пропилен ишлаб чиқариш технологик жараёнида ҳосил бўлувчи қўшимча маҳсулот тар-продукт газопиролиз смоласи куб қолдиқи билан модификация қилдик.

Маълумки органоминарал эластомер композицияларда ишлатилувчи ноорганик хомашёларни модификацияловчи моддалар суюқ бўлиши ва чақнаш ҳарорати 180°C кам бўлмаслик шарти қўйилган. Шунинг учун ҳам биз тар-продуктни 200 °Cда термик ишлов бердик, натижада молекуляр массаси 800-1000 атрофидаги қора рангли суюқ модда ҳосил бўлди. Унинг миқдори 45% га камайди, олинган моддани ИКСда текшириш натижасида таркиби ўрганилди (1- расм).



1-расм. Пластификаторлар ва газопиролиз смоласи куб қолдиқининг таққослаш ИҚ – спектори.


Расмдан кўриш мумкинки, унинг структураси дибутилфталат пластификаторига ўхшаш, демак уни минерал хомашёларни модификация қилиш учун ишлатсак бўлади ва яратилган тар-продукт куб қолдиқи асосидаги модификатор билан танланилган минерал хомашёларни бойитиш технологик жараёнида уларни модификация қилдик, натижада уларнинг физик-кимёвий хоссалари қуйидаги ҳолатга келди (1-жадвал). Жадвалдан кўришиб турибдики минерал хомашёларни бойитиш ва модификация қилиш натижасида уларнинг физик-кимёвий хоссалари эластомерлар композицион органоминарал композициялар олиш учун ГОСТ талабларига жавоб беради, яъни темир оксидининг миқдори 0,3 фойизгача камайтирилди, шу билан бирга

Бойитиш жараёнида модификацияланган минерал хомашёларни физик-кимёвий ва адсорбцион хоссалари

Кўрсаткичларни номланиши	Кўрсаткичлар миқдори, %								$S_{уд}, \frac{м^2}{г}$	Модификаторни адсорбцияланиш оптимал миқдори		
	SiO ₂	Al ₂ O ₃	TiO ₂	CaO	Na ₂ O	K ₂ O	MgO	FeO		10 оғир.б	15 оғир.б	20 оғир.б
	КМ	75,8	23,5	-	0,1	0,08	0,03	0,3		0,1	33,4	100 %
АК	52,6	44,8	0,6	0,6	-	-	0,3	0,3	24,2	100%	81%	72%
КВ									2,9	100%	68%	42%

уларни модификаторни адсорбция қилиши заррачаларинг геометрик юзасига мос равишда бўлиши аниқланди ва буни минерал хомашёларни бойитиш технологик жараёнида ҳар биттаси учун аълоҳида инobatга олишни кўрсатилди (2-расм). Танланилган минерал хомашёларни бойитиш ва модификациялаш учун қуйидаги технологик жараён ишлаб чиқилди. Технологик жараёни минерал хомашёларни шу кунгача бойитиш технологияларидан фарқли, унда барбатаж усули қўлланилиб минералларни зичлиги асосида чўктиришга асосланган ва таёр махсулотни технологик жараён охирида модификациялаш босқичи амалга оширилади.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган технология асосида майда заррачали ва юқори физик-кимёвий хусусиятларга эга модификацияланган маҳаллий минерал хомашёлардан эластомерлар асосидаги органоминарал композициялар учун тўлдиргичлар олиш мумкинлиги асосланди.



1,4,12,13-бункерлар, 2-куритиш, 3-шарли майдалагич, 5-таксимловчи, 6-магнитли элак, 7-аралаштиргич, 8-зичлик бўйича ажратгич, 9-насослар, 10-диспергатор, курутгич ва модификатор, 11- модификаторга бункер,14-қопловчи машина.

2-расм. Минерал хомашёларни бойитиш ва модификациялаш технологик жараёни.

Диссертация ишининг кейинги бобларида яратилган модификацияланган минерал тўлдиргичларни ва уларни миқдорини ҳар хил каучуклар асосида

2-жадвал

Модификацияланган тўлдирувчиларни СКИ-3, СКМС-30АРКМ-15 ва СКН-18 асосидаги оргономинерал композицияларнинг вулканланиш тўри структураси ва вулканизатлар хоссаларига таъсири (тўлдирувчилар миқдори 100 оғир.б.га 40 оғир.б.)

Тўлдирувчилар номи	Ҳосил бўлган боғлар, %				F _p , МПа	K _T , 373K, 72 соат
	-C-S _x -C-	-C-S-S-C-	-C-S-C-	-C-C-		
Композиция СКИ-3 асосида вулканланиш харорати 394К вақти 20 дақиқа						
Модификацияланмаган монтмориллонит	32	34	24	10	16,7	0,76
Модификацияланган монтмориллонит	20	27	22	31	22,8	0,91
Модификацияланмаган Ангрен каолини	34	32	21	13	14,2	0,68
Модификацияланган Ангрен каолини	22	31	26	21	18,1	0,81
Модификацияланмаган Волластонит	38	28	23	11	13,2	0,66
Модификацияланган Волластонит	28	25	27	20	16,7	0,89
БС-50	30	26	25	19	23,2	0,77
ЕК	32	28	27	13	15,2	0,74
Композиция СКМС-30АРКМ-15 асосида вулканланиш харорати 424К вақти 40 дақиқа						
Модификацияланмаган монтмориллонит	33	32	22	13	10,6	0,75
Модификацияланган монтмориллонит	20	26	22	32	14,8	0,94
Модификацияланмаган Ангрен каолини	33	31	22	14	6,9	0,74
Модификацияланган Ангрен каолини	21	30	26	23	11,1	0,81
Модификацияланмаган Волластонит	37	28	23	12	6,1	0,69
Модификацияланган Волластонит	27	24	27	22	10,7	0,89
БС-50	31	27	26	16	13,3	0,78
ЕК	30	20	28	12	7,9	0,84
Композиция СКН-18 асосида вулканланиш харорати 424К вақти 40 дақиқа						
Модификацияланмаган монтмориллонит	34	32	25	11	8,7	0,86
Модификацияланган монтмориллонит	23	25	26	26	10,8	0,95
Модификацияланмаган Ангрен каолини	35	34	21	10	6,3	0,88
Модификацияланган Ангрен каолини	21	31	26	22	9,2	0,91
Модификацияланмаган Волластонит	37	27	25	11	6,2	0,89
Модификацияланган Волластонит	26	25	29	20	8,9	0,90
БС-50	30	25	25	20	8,3	0,76
ЕК	32	30	27	11	7,3	0,75

Масалан, вулканлаш температурасиг 413 К дан 433 К га ортганида улар нафақат реверсия беради, балки вулканланиш жараёни оптимал шароитини ошишига ва сруктурасини яхшиланишига маълум бир даражада ёрдам беради.

Тўлдирувчиларнинг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг вулканизатларнинг структураси ҳамда хоссаларига таъсирдир (3-жадвал).

Натижада, модификацияланган тўлдиргичлар билан тўлдирлган эластомерлар асосидаги органоминарал композициялар вулканизация жараёнида ҳосил бўлган боғларнинг турларига, табиатига ва кўндаланг боғларнинг сонига таъсири юқори эканлиги аниқланди ва модификация қилинмаган тўлдиргичларга нисбатан юқори мустаҳкамликга ва иссиқликдан эскириш коэффициентга эга бўлган вулканизатлар олинди.

Олинган натижалар асосида фараз қилиш мумкинки олинган модификатор, термо-фото кимёвий жараёнларнинг ингибирланишида донор-акцептор боғлар билан ўзаро таъсирлашиш натижасида эластомерлар асосидаги органоминарал композицион материалларнинг структураси ва хоссалари шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Демак, эластомерлар асосидаги органоминарал композицион материаллар ва буюмларни стабилизацияловчи хоссага эга бўлган газопиролиз смоласи куб қолдиқи асосида модификатор яратилди у билан минерал тўлдиргичларни модификациялаб фаол тўлдиргичлар олишга эришилди. Модификацияланган минерал тўлдиргичлар қўшилган композитларнинг иссиқлик таъсирида эскириши ўрганилганда, эскириш вақти давомийлигининг ортиши билан неозони-Д стабилизатори ёрдамида стабилизацияланган наъмуналарга нисбатан композитларнинг чўзилишдаги мустаҳкамлиги кўтарилиши, чўзилишдаги нисбий узунлиги бирмунча камайиши, қаттиқлиги ва вулканизация тўридаги –С–С– боғи ошиши кузатилди. Таҳлиллар натижасида, иссиқлик ва вақт таъсирида модификатор таркибидаги фаол моддалар композит таркибида қўшимча структураланиш рўй беришига сабаб бўлиши билан асослаш мумкин.

Натижада модификацияланган минерал тўлдиргичлар асосида эластомер асосидаги органоминарал композицион материаллар учун стабилизаторлик хусусиятга эга бўлган самарали тўлдирувчи олиш мумкинлиги асосланди, бу эса, ўз навбатида, қоришма таркибини, технологик жараёни қисқартирилишига ва композитларнинг структураси тузилиши, технологик, техник ҳамда эксплуатацион хоссаларини мақсадли бошқариш имконини беради.

Диссертациянинг «**Модификацияланган минерал тўлдиргичларни қўллаб яратилган эластомерлар асосидаги органоминарал композициялар техник ва эксплуатацион хоссалари**» деб номланган бешинчи бобида яратилган модификацияланган минерал тўлдиргичларни эластомерлар асосидаги органоминарал композициялар техник хоссаларига таъсири ўрганилиб ва олинган маълумотлар асосида ишлаб чиқариш таркиблари яратиш бўйича маълумотлар берилган.


Ўрганишлар натижасида СКН-18 каучукига 30 оғир.б. модификацияланган тўлдиргичлар қўшилганда $V_{пл}$ қиймати камайиши кузатилди. Композицияда $V_{пл}$ нинг экспоненциал ўзгариши бизнингча оптимал тўлдириш нуқтасига эришиши билан боғлиқ бўлиб, у эластомер-тўлдирувчи

чегарасининг тўлдирувчи томон ўтишидир деб тушинтириш мумкин. Тавсия этилаётган модификацияланган тўлдиргичларни эластомерлар асосидаги органоминерал композицияларнинг пласто-эластиклини хоссаларига таъсири ўрганилди, бу эса модификацияланган тўлдиргичлар заррачаларининг композиция таркибида хаотик ҳаракатланиш кучланиши майдонидаги хатти-ҳаракатларнинг барқарорлиги тўғрисида қимматли маълумот беради. Эластомер композицияларини пласто-эластик хоссаларини баҳолаш учун пластиклиги (Р), қовушқоқлиги (ML), Дефо бўйича қаттиқлиги (ЖД) ва эластиклиги (ЭД) ўрганилади. Олинган маълумотларга асосланиб, модификацияланган минерал тўлдиргичлар миқдорини композиция таркибида 100 оғир.б. эластомерга 40-50 оғир.б. гача қўшганда Р қийматлари мос равишда 10% гача камаяди. Р қийматларининг энг катта пасайиши тўлдирувчи миқдори >50 оғирл.б. дан ошгандан кейин кузатилади. Маълумки пластиклигининг пасайиши эластомернинг тўлдирувчи билан ўзаро таъсирига боғлиқ бўлиб, унинг қиймати эластомер таркибига қўшилган тўлдиргичнинг миқдорига заррачаси юза қисмидаги функционал грухларга боғлиқ бўлади. Яъни бу ҳолатни модификацияланган тўлдиргични ва модификаторни морфологияси, структураси ва заррачалар юзасидаги априет қатлам хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 30 оғир.б. тўлдирувчи 100 оғирл.б. эластомерга қўшганда композициянинг дефо бўйича қаттиқлиги (ЖД) бироз ўзгаради, тўлдиргич миқдорини ошириш эса унинг қаттиқлигини кўтарилишга олиб келади. СКМС-30АРКМ-15 ва СКН-18 эластомерлари таркибига 60 оғирл.б. модификацияланган минерал тўлдиргичларни қўшганда ЖД қиймати тўлдирилмаган композицияга нисбатан тўрт марта ошишга олиб келади. Бу эса резина аралашмаларида ЭДнинг пасайишига олиб келади.

Демак, модификацияланган минерал тўлдиргичлар билан тўлдирилган эластомерлар асосидаги органоминерал композициянинг пласто-эластиклини хоссаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, уларни ҳар хил турдаги каучукларга қўшганда модификацияланмаган тўлдиргичларни қўшганга нисбатан композициянинг технологик хоссалари 22-26 % гача яхшиланиши кузатилди. Ўрганишлар асосида СКИ-3, СКМС-30АРКМ-15 ва СКН-18 эластомерларидан тайёрланган органоминерал композиция таркибига 40 оғир.б. модификация қилинган минерал тўлдиргичлар қўшилганда мустаҳкамлик (F_p) модификация қилинмаган минерал тўлдиргичларга нисбатан 22–30 % гача ошади. Чўзилишдаги мустаҳкамликни ошириш тмодификацияланган минерал тўлдиргичлар заррачалари юзасидаги олигомер қопламанинг каучук ва тўлдиргич орасидаги самарали боғлар ҳосил қилишини оширишидадир дейиш мумкин. Яна модификацияланган минерал тўлдиргичлар композитларнинг йиртилиш мустаҳкамлигини яхшлайди (4-расм).

Бу ҳолат асосан 100 оғир.б. бутадиен-метил стирол каучукга 30-60 оғир.б. қўшилганда яққол кўринади унинг қиймати тўлдиргичлар турига қараб 25 -75 кН/м гача оралиқда бўлади (расимда 1-3 кўринишлар). Илмий

текширишлар асосида шу кўрсатилдики, модификацияланган минерал тўлдиргичларни композитнинг кўп марта сиқиш, чўзиш ва бураш динамик хоссаларига таъсири натижасида ички энергия иссиқлик ҳосил бўлиши, қолдиқ сиқилиш ва чўзилиш камайди ва бу ҳоланда тўлдиргичларнинг композициядаги оптимал миқдори 100 оғир.б. эластомерга 40 оғир.б. КММ, 50 оғир.б. АКМ ва 30 оғир.б. КВМ тўғри келади.



1-СКИ-3; 2-СКМС-30АРКМ-15; 3-СКН-18. Модификацияланган КМ (-Δ-Δ-) ва модификацияланмаган КМ (-•-•-).

4-расим. Резинанинг йиртилиш-га чидамлилигига (P_a) тўлдиргич миқдорини таъсири.

Модификацияланган минерал тўлдиргичлар (КМ, АК, КВ) билан техуглеродлар (ПЗ24, К354 ва бошқалар) биргаликда ишлатилганда, маълум бир хоссага эга бўлган композиция олиш мумкинлиги кўрсатилди. Агар уларни алоҳида-алоҳида миқдори композиция таркибида техуглеродга нисбатан ошиб борса, у ҳолатда органоминарал композитнинг техник хоссалари яхшиланиб боради. Бу жараёни бошқариш, яъни модификацияланган минерал тўлдиргич ва техуглерод миқдорларини комбинация қилиш натижасида олдиндан берилган технологик, техник ва эксплуатацион хоссаларга эга бўлган эластомерлар асосидаги органоминарал композициялар ва улардан резинатехника буюмлари олиш мумкин. Маълумки, ишлаб чиқаришда ишлатилувчи эластомер композициялар кимёвий таркиби, фаоллиги, тузилиши билан бир-биридан фарқ қилувчи каучук ва ингредиентлардан ташкил топган.

Шу сабабли стандарт таркиблии эластомер композицияларда модификацияланган тўлдиргичларни таъсири ва хоссалари, ишлаб чиқаришда ишлатилувчи резина қоришмалари ва улар асосида олинган резинатехника буюмлари хоссаларига мослигини ўрганиш мақсадида ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган таркиблар танланди. Натижада, модификацияланган минерал тўлдиргичларни органоминарал эластомер композициялари таркибига қўшганда, уларнинг эксплуатацион хоссалари ҳозирги вақтда ишлатилаётган композициядан фарқ қилмаслиги ва баъзи кўрсаткичларда 40 % гача яхшиланиши аниқланди ва ТР, ТУ, ГОСТ, ОСТ талабларига жавоб бериши кўрсатилди. Аммо юқори миқдорда қўшилганда органоминарал композициянинг эксплуатацион хосслари ўзгариши кузатилди (3-жадвал).

**Текстил ва металл каркасли резинатехника буюмлари олиш
СКМС-30АРКМ-15 каучуки асосидаги органоминарал композитларнинг технологик
ва эксплуатацион хоссалари^(*)**

Кўрсаткичлар номланиши	Композиция текстил кар- касли				Композиция металл каркасли			
	Модификацияланган тўлдиргичлар							
	ГОСТ бўйича	КМ	АК	КВ	ГОСТ бўйича	КМ	АК	КВ
